



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 7-sentabr №38 (4488)

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ



MAQOM ART
INTERNATIONAL FORUM
SHAHRI SABZ - 2018
www.maqomartforum.uz

МАҚОМ — БЕБАҲО БАДИЙ ҚОМУС

Мухтарам халқаро анжуман иштирокчилари!
Қадри дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун бағрикенг, меҳмондўст, санъатсевар ўзбек диёрида катта байрам, катта шодиёна.

Жонахон Ватанимизнинг гўзал ва бетакрор масканларидан бири Шахрисабз заминиди, буюк Амир Темури бобомиз бунёд этган муаззам Оқсарой майдонида Халқаро мақом санъати анжумани тантанали равишда очилмоқда. Шу муносабат билан сиз, азизларни, ўз ҳаёти-ни ноёб мусиқа дурдонаси бўлмиш мақом санъатига бағишлаган фидойи инсонларни чин қалбимдан мувожаб қиламан.

Бугунги тантанамизда иштирок этаётган юқори мартабали меҳмонларимиз ЮНЕСКО, Осиё фольклор ижодиёти ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар вакиллари алоҳида миннатдорлик билдираман.

Россия Федерацияси Президентининг маслаҳатчиси Владимир Ильич Толстойга, Қирғизистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Султанбай Райевга, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Арстанбек Мухаммед ўғлига, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Ўрумбекзодага, Озарбайжон Республикаси маданият вазири Абулфас Гараевга, Туркия Республикаси маданият ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари Аҳмат Халук Дурсунга ўз ташаккурларимизни билдираман. Уларнинг юртларида ҳам мана шундай санъат байрамлари кўп бўлсин ва уларда қатнашиш бизга ҳам насиб этсин.

Яна бир қатор давлатларнинг маданият соҳаси раҳбарларини, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги мухтарам элчиларини самимий қутлаб, чуқур миннатдорлик билдиришга руҳлат этгайсиз.

Биз сизларнинг тимсолингизда тинчлик ва эзгулик намоёндаларини, халқимиз ва маданиятимизнинг ҳақиқий дўстларини кўраман.

Хуш келибсиз Ўзбекистонга, хуш келибсиз Шахрисабзга!

Хурматли анжуман қатнашчилари!

Мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу санъат байрамида дунёнинг 73 давлатидан келган 300 га яқин иштирокчилар ва меҳмонлар қатнашмоқда. Уларнинг орасида нафақат ўз юртида, балки жаҳон миқёсида ҳам машҳур хонанда ва созандалар, маданият ва санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар борлиги барчамизга катта мамнуният бағишлайди.

Бугун Шахрисабзнинг мовий гумбазлари остида жаҳондаги кўплаб халқлар ва мамлакатларнинг мусиқий хазинасига айланган, ўзининг теран фалсафаси, илоҳий қудрати билан минг-минглаб қалбларни мафтун этадиган мақом садолари баралла янграмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, биз учун бебаҳо бадий қомус бўлган мақом санъати асрлар, неча юз йиллар давомида инсон руҳини, унинг дарду армонларини, эзгу интилишларини юксак пардаларда ифода этиб келмоқда.

Шарқ мумтоз адабиёти, тасвирий санъати, илму маърифат, илмий қадриятлардан озиқланган мақом санъатига — ана шундай буюк маданий мерос ривожига ўзбек халқи ҳам муносиб ҳисса қўшгани билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

Бу ноёб бойлиқни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, ундан дунё аҳлини баҳраманд қилиш, келгуси наслларга безавол етказиш турли қитъа ва мамлакатлар вакиллари бу гўзал масканда муҳасаммаз этган анжуманимизнинг асосий мақсадидир.

Қадри дўстлар!
Бугунги санъат форумини айнан Шахрисабз шаҳрида ташкил этганимиз бежиз эмас, албатта.

Бу шаҳар ўзининг 2700 йиллик кўҳна тарихи давомида оғир ва машаққатли синовларни, таҳликали замонларни ўз бошидан кечирди. Аммо ҳар қандай мураккаб даврлар, уруш ва босқинлар, табиий офатлар ҳам уни тарих саҳифасидан ўчира олмади.

Шахрисабз буюк саркарда ва давлат арбоби, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темури бобомиз камолга етган мўтабар маскан сифатида ҳам дунёга маълум ва машҳурдир.

Бу шаҳар қадим-қадимдан улуг аллома ва шоирлари, санъат ва маданият аҳли, қўли гул усталари, моҳир хунарамандлари билан шуҳрат қозониб келади. Унинг бағридаги ноёб меъморий обидалар, нодир ёдгориқлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.

Бугунги кунда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, фидокорона меҳнати билан Шахрисабз юртимизнинг энг обод масканларидан бирига, замонавий маданият ва туризм марказига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Мухтарам меҳмонлар!

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон замини қадимий цивилизация, маданият ва санъат бешикларидан бири бўлиб келаётгани, ўйлайманки, сизларга яхши маълум.

Самарқанд вилоятининг Мўминобод қишлоғидан топилиган 3 минг йиллик най чолғуси, Термиз яқинидаги Айритом археологик ёдгорида акс этган созандалар тасвири ва бошқа кўплаб мисоллар миллий мусиқа санъатимиз, ҳеч шубҳасиз, бой ва қадимий тарихга эга эканидан далolat беради.

Буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий бобомизнинг айнан "наво", яъни, мусиқий оҳанг, деган сўзни ўзларига тахаллус қилиб, бутун дунёда шуҳрат топгани барчамиз яхши биламиз.

Халқимиз бадий тафаккурининг маҳсули бўлган "Шашмақом", яъни, олти мақомни, таъбир жоиз бўлса, олти азим дарёга қийслаш мумкин. Бу дарёлар асрлар давомида жаҳон маданият уммонига қуйилиб, уни ҳар томонлама тўлдириб, бойитиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу муаззам мусиқий дурдона ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани чуқур маъно ва аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Азалдан санъатни, мусиқани бутун қалби билан севадиган, иҳод аҳлини муносиб қадрлайдиган эл-юртимиз бугунги анжумани катта қувонч ва ҳаяжон билан қутиб олмоқда.

Бугун биз ана шундай улкан маънавий бойлиқнинг шаклланиши ва тараққиётида, бу умрбоқий санъатнинг бизгача етиб келишида бекиёс хизмат кўрсатган улуг шоир ва мутафаккирлар, бастакор ва созандалар, буюк хофизларнинг хотирасини ҳурмат-эҳтиром билан ёд этамиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги замонда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак.

Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак.

Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, унибўсиб келатган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур.

Мақом санъатининг маданий ҳаётиимиздаги ана шундай бекиёс таъсирини инобатга олиб, мамлакатимизда бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, сизлар анжуман кунларида ҳамкасб дўстларингиз, санъат мухлислари билан мулоқотда бўлиб, ана шундай ишлар билан атрофича танишиш имконига эга бўласизлар.

Ўйлайманки, бугунги анжуман олдимизда турган муҳим назарий-амалий муаммоларни атрофича муҳокама қилиш, бу борада халқаро тажриба, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет имкониятларидан кенг фойдаланиш, турли маданий ва ижодий ташкилотлар ўртасида ҳамкорлиқни кучайтириш, ўзаро борди-келдиларни йўлга қўйиш бўйича тақдирлар ишлаб чиқиши айти муддао бўлур эди.

Шу маънода, анжуман доирасида ўтказилган "Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бу йўлда муҳим қадам бўлиши табиий.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги санъат ва нафосат байрамни юксак савияда ўтказиш учун ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган барча инсонларга, меҳмондўст ва олиханоб Қашқадарё вилояти ва Шахрисабз аҳлига анжуман иштирокчилари номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз.

Мухтарам дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Сизларнинг бевосита иштирокингизда бошланган бугунги халқаро анжуман бардавом бўлиб, узоқ ва яқин минтақаларда мақом санъати ривожини янги босқичга кўтариш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

Барчангизни халқаро мақом анжуманининг очилиши билан ана бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Дилларни дилларга, элларни элларга пайванд этадиган мақом санъатимиз ҳамisha гуллаб-яшнасин!

Унинг фидойилари доимо бор бўлсин, омон бўлсин!

Барчангизга сихат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги ижодий ютуқлар, анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

Катта раҳмат сизларга, ана бир бор хуш келибсиз Ўзбекистонга!

Эътиборингиз учун ташаккур.



Кеча қадимий ва навқирон Шахрисабзда 1-Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Амир Темури бобомиз барпо этган Оқсарой майдонида ўтаётган 1-Халқаро мусиқа анжумани иштирокчилари ва меҳмонлари, ЮНЕСКО вакиллариини самимий қутлаб, жаҳон халқларининг мусиқий хазинасига айланган мақом санъатини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш мазкур анжуманнинг асосий мақсади эканини алоҳида таъкидлади. Анжуманда дунёнинг етмишдан зиёд мамлакатидан таширф буюрган уч юзга яқин машҳур хонанда ва созандалар, маданият ва санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар иштирок этмоқда. Тадбир қатнашчилари санъат усталари ижросида янграган мақом дурдоналаридан баҳраманд бўлдилар.



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёевни БМТ Бош қотиби Антониу Гутерреш, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги Қироличаси Елизавета II, Испания Қироли Филипп VI, Исландия Қироли Виллем-

Александр, Швеция Қироли Карл XVI Густав, Швейцария Президенти Ален Берсе, Греция Президенти Прокопис Павлопулос, Аустралия Генерал-губернатори Питер Косгроув, ШХТ Бош қотиби Рашид Алимов қутлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь кун Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Шу кун пойтахтимиздаги "Наврўз" маросимлар уйида Биринчи Президент хотирасига бағишлаб эҳсон дастурхони ёзилиб, Қуръон тиловат қилинди. Унда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев 3 сентябрь кун Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Саид Хусайн ас-Сиси 4-5 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Мазкур ташриф доирасида Ўзбекистон — Миср бизнес форуми ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.

6 сентябрь кун Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ таълимини бошқариш тизимини

такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbirlar тўғрисида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-таadbirlar тўғрисида"ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 сентябрь кун Беларус Республикаси, Малайзия ҳамда Туркменистоннинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Леонид Маринич, Хенди Ассан ва Язгули Маммедовдан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қўшни давлатлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсат нафақат Марказий Осиёда, балки, бошқа хорижий мамлакатларда ҳам эътибор топмоқда. Айтиш лозимки, ана шундай муносабатлар олис, аммо қалбан яқин Беларусь Республикаси билан ҳам тобора мустақамлашиб бораётгани қувонардир. Бунга мамлакатлар ўртасида ўзаро иқтисодий, маданий алоқаларни янада мустақамлашга қаратилган битимларнинг имзоланаётгани, яқинда мамлакатимиз пойтахти Тошкентдаги хиббонлардан бирида атоқли белорусь шоири Якуб Колас хотирасига меъморий ёдгорлик ўрнатилгани ҳам ёрқин мисол бўла олади. Халқимизни белорусь биродарлар билан боғлаб турган дўстлик ришталарининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳудуди жанггоҳларга айланиб, кунпаякун бўлган қишлоқ ва шаҳарлардан мамлакатимизга кўчириб келинган минглаб белорусиялик кексалар, бева-бечоралар, гўдаклар халқимиз бағридан қўним топиб, бекаму-кўст жон сақладилар, камол топдилар. Қўида эътиборингизга ҳавола қилинаётган таниқли журналист Алиназар Эгамназаровнинг "Бетимсол матонат" очеркида ҳам муҳдиш йилларда икки халқ оналари бошидан кечирган изтиробли воқеалар акс этган.

Тахририят



ҳақида ўйлаганимда, уларнинг руҳан кучли, сабр-бардошли эканликларининг боиси имон-этиқодлари ниҳоятда кучли одамлар бўлганлари, Аллоҳга беҳад ишонганларидан деб биламан. Улар бошларига тушган мусибат ва фалокатни Аллоҳ юбораётган синов деб билишган. Сабр қилиш кераклигини, Аллоҳ сабр-тоқатли бандаларини суюшини ўйлашган. Ўтган асрнинг 80-йиллари алғов-далғовларидан амалдан тушгани ёки харом-хариш йўл билан топган пули касодга учраганда ўлиб қолган ёки ярим телбага айланган одамларнинг кўрдик. Зинодан тугилган боласини ахлатхонага ташлаб кетадиган хайвондан ҳам баттар аёллар пайдо бўлганини эшитдик. Булар шўро тузуми тарбиясини олган, Аллоҳни унутган кимсалар эди.

БЕТИМСОЛ МАТОНАТ



ҳам қилишимиз керак. Ана шунда турмушимиз янада гўзал, сермазмун бўлади. Ана шунда ҳаётимизда ўзаро иззат-ҳурмат, вафо, садоқат деган эзгу фазилатлар олис ўфқдаги шарпадай бўлиб қолмайди. Ана шунда ўз фарзандини етимхона эшигига ташлаб кетиш ҳоллари ҳам камроқ бўлади".

Очерк эълон қилинган, уч кундан сўнг "Ўзбекистон" меҳмонхонаси олдидан ёзувчи Мурод Хидирни учратиш қолдим. Таниқли адиб қўлимни маҳкам сиқиб кўришаркан, шундай дедилар:

— Алиназар, Адабиёт газетамизда босилган очеркингни бошдан-оёқ титраб ўқидим. Раҳмат сизга! Бу очеркингни кенгайтириб қисса қилинган, роман қилинган. Шунга арзийди сиз ёзган одамлар.

Бошқа бир ҳамкасб дўстим: "Шу асарингизни Абдулла Ориповнинг машҳур "Аён" шеърининг насрдаги намунаси дегим келади", деганди.

Мен "Беш жангчининг онаси" очеркимни коммунистик тузум даврида, даҳрийлик авжга чиққан пайтда ёзганман. Шу боисдан унда диллимдаги ҳамма гапни айтолган эмасман. Бир ўзининг матонати бутун ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги беқисс фидойилиги ва қаҳрамонлиги ифодаси бўлган жафокаш онаизор шахсияти ҳақида чуқур мушоҳада юритганман, деб айтолмайман.

Мен фақат Зулфия онани эмас, унга замонадош, у билан тенгқур бўлган бошқа кўплаб инсонларни кўп ўйлайман. Масалан, узоққа бўрмай ўзимнинг отамни олайлик. У 90 йил умр кўриб, 1978 йилда вафот этган. Тенгқурлари ҳурмат қилишарди, отам ҳам одамларни севарди. Раҳматли мен ўлиб кўрмидим, бошқа ҳамма нарсани кўрдим, дердилар. Дарҳақиқат, отам ўзининг узоқ умрида икки марта қаҳатчиликни, уруш даври машаққатларини кўрди. 1937-1938 йилдаги қатағонда қамалиб, тергов азорларини кўриб, бахтли тасодиф туфайли қамокдан озод бўлди. 1944 йилда бир ўғли фронтда ҳалок бўлди. 1945 йилда 18 ёшга кирган ўғли ҳозир давоси топилган касалга қаллиниб, дуруст тиббий хизмат йўқлигидан вафот этди. Бу мусибатларга отам ҳам, онам ҳам мардона чидашди. Инсоний қиёфаларини йўқотмай, ортиқча оҳ-воҳ қилмай, бири 90, иккинчиси 84 йил яшаб оламдан ўтишди.

Мен Зулфия она, отам сингари инсонлар

пиришди. Мен ҳам гапирдим. Мактаб Зулфия Зокирова номи билан аталадиган бўлди. Кейинроқ Зулфия она яшаган маҳалла ҳам унинг номи билан атала бошлади.

Бу пайтда мен Тошкентда ишлардим. Болалигим ўтган қишлоққа кам борардим. 90-йиллар ўртасида бир кун қишлоққа борсам мактабга кираверишда унинг Зулфия Зокирова номида эканлиги ҳақидаги пешлаваха йўқ экан. Сабабини суриштирсам, мактабларга ном қўйиш ман этилди, деган гапни айтишди. 2-3 йилдан сўнг маҳалланинг номи ҳам ўзгариб, "Қушбеги" бўлиб қолди. Хонлар, амирлар даврида бош вазирни қушбеги дейишган. Бу номнинг Зулфия она яшаган маҳаллага қандай дахли бор дерсиз. Дахли бор экан. Уша пайтда маҳалла қўмитаси раиси бўлиб ишлаган аёл асли Тошкентнинг Қушбеги даҳасидан экан. У ўзининг савиясидан келиб чиқиб, номни бегона қилгиси келмабди. Маҳалладан Зулфия онанинг номи олиб ташланганда ўрнига "Қушбеги" номини тавсия қилибди. Зулфия она ким, унинг номи нима учун абадийлаштирилган, ҳеч ким ўйлаб ўтирмабди.

Мана, буюк бир инсоннинг қадр-қиммати бўлган муносабат. Юқори ташкилотларнинг буйруғини бажариш қўйи идоралар учун мажбурий. Юқоридан берилган буйруқда мактаблар, маҳаллалар одамлар номи билан аталмасин, дейилган бўлиши мумкин. Лекин бу ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган инсонлар хотираси ҳурматланмасин, улар номи абадийлаштирилмасин, дегани эмас-ку. Инсон хотирасини абадийлаштириш, унга ҳурмат билдиришнинг бошқа йўллари ҳам кўп-ку. Нега Зангиота туманилик акалар шу ҳақда ўйлашмайдилар? Хайрон қоларли ҳижат шундаки, бир-бирдан унча олис бўлмаган икки жойда "Қушбеги" номи бор. Бу одамларни қалғитиши, сарсон-саргардон қилиши мумкинлигини ҳам ҳеч ким ўйламаган.

Менимча, бу хатolikни тузатишнинг вақти келди. Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши жуда тўғри ва оқилона иш бўлди. Бу китоб-альбом халқимизнинг суронли йиллардаги мардона меҳнати ва курашини акс эттириши керак. Унда

Зулфия Зокирова каби оналар ва уларнинг фронтдан қайтмаган фарзандлари, уруш пайтида ота-онасидан айрилиб етим қолган турли миллатга мансуб болаларни ўз қарамоғига олган Шоаҳмад Шоаҳмадовлар каби оила ҳақида ҳам ҳикоялар бўлиши керак. Бу ҳикоялар халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги буюк ғалабага қўшган ҳиссаси ҳеч бир халқниқидан кам эмаслиги, ўзбек халқининг баркирноклиги, байналминал бурнига ҳамиша содиқ бўлганини кўрсатувчи мисоллардир.

Юртимизда жафокаш, мунис оналар матонати улугланган ҳайкаллар кўп. Пойтахтнинг бош майдонидаги "Бахтиёр она" тимсоли, шунингдек, кўплаб хотира хиббонларидаги мотам-саро аёл ҳайкаллари шулар жумласидандир. Айни чоғда алп ўғиллари ҳажрида чексиз қайғуга ботган, лекин бардоши бўлмаган Зулфия Зокирова тимсолида халқимизнинг буюк иродасини кўрамыз. Бу аниқ далил. Юртимизда Зулфия Зокирова ва унинг ўғилларига Анастасия Куприянова ва унинг ўғилларига ўрнатилган муҳташам монумент сингари гўзал ҳайкалтарошлик обидаси ўрнатилиши керак.

Халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги буюк жасорати ҳақида кўплаб бадиий ва ҳужжатли асарлар, кинофильмлар яратилган. Эндилкида саҳнат ва зиёрат туризми кенг тус олган янги даврда ўзбек халқининг ўтган урушдаги буюк ғалабага қўшган мислсиз ҳиссасини акс эттирувчи муҳташам бадиий-монументал ёдгорликларга эҳтиёж бор, деб ўйлайман. Ўзбекистон Бадиий академияси, моҳир ҳайкалтарошларимиз ана шу хайрли ишга жалб этилса, нур устига нур бўларди.

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

МАҚОМГА ДОИР РИСОЛА

Қўқон адабиёт музейи ходимлари "Мустақиллигимиз даври адабиёти" кўргазмасига экспонатлар танлаётиб, илм аҳли учун номаълум бўлган янги-манбани аниқладилар. Сақланиш рақами 452 бўлган кўлёзма тўплам 1860 йилда Мухаммад Абдулғофур ибн домла Холмуҳаммад томонидан китобат қилинган. Устоз Абдурахмон Жомий, ҳазрат Алишер Навоий қаламига мансуб "Арбаин" (40 ҳадис) таржималари билан бошланган тўпламга Бедил, Хофиз, Ҳозиқ ва Ҳофизнинг ғазал ҳамда мухаммаслари ҳам киритилган. Тўпламдаги

хикматлар Навоийнинг "Лисон ут-тайр" дostonидан олинган билан алоҳида қимматли. Кўлёзма тўпламда академик Азиз Каюмов аниқлаган Ҳозиқнинг Навоий ғазалига боғланган муҳаммаси ҳам бор. Устоз ижодкорларимизнинг ғазал, рубоий, муаммоларидан сўнг 85-саҳифада "Мақомат, илми мусиқа" сарлавҳаси остида мақом ҳақидаги ҳикоят, ривоятлар келтирилган. Шунингдек, рисолада мақомга мос байтлар ҳам бўлиб, асосан форсча, ўзбекча байтлар ҳам берилган:

Не айлайин санамим баски шўҳи хандондур
Шафақ ичинда магар офтоби — тобондур.
Қароқчилик қилбон қонини тўқдигинг,
Ки кўзларинг қаро-ю этагинг қизил қондур.

Музей жамғармасида аниқланган янги мусиқа рисоласи мусиқашунослар, мақомчилар учун қимматли манба бўлади, деб ўйлаймиз.

Х.ОТАЖОНОВ,
Н.ТЎРАКУЛОВА,
Қўқон адабиёт музейи илмий ходимлари



Уюшма фаолиятидан

ШУ ЙИЛНИНГ 6 АВГУСТ

куни мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётининг долзарб масалаларига бағишлаб Тошкентда ўтказилган халқаро анжуманда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан атоқли адиблар ва шоирлар иштирок этганидан хабарингиз бор. Юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар Ўзбекистондаги ўзгаришлар, айниқса, адабиётга, умуман, ижод аҳлига қилинаётган эътибор ва ғамхўрликдан ўз мамнуликларини яшира олмадилар. Машҳур адиб, Озарбайжон Ёзувчилар бирлигининг раиси Анор ҳам анжумандаги ўз маърузасида ва мамлакатимиз даврий нашрларида берган интервьюларида Ўзбекистондаги ўзгаришлардан хайратланганини самимият билан изҳор этди.

Адиб юртимиздан олган илиқ таассуротларини Озарбайжон Ёзувчилар бирлигининг наشري "Адабиёт газети"нинг 20 августдаги сониди батафсил тасвирлаб, "Ўзбекистондаги нуғулмас ҳаззалар" сарлавҳаси билан мақола чоп этди. Бу албатта, икки қардош халқ маданий алоқалари янада мустақамлашшига хизмат қилади.

"МАРД ЎҒЛОНЛАР НОМИ БАРҲАЁТ"

Ёзувчилар уюшмасида "Мард ўғлонлар номи барҳаёт" номли китоб тақдимоти бўлиб ўтди.

Ватанинг асл фарзандлари, айниқса, мард ҳарбийларимиз мустақиллигимизни асраш, юртимиз тинчлигини таъминлашда буқилмас ирода ва жасорат намунасини кўрсатиб келишаётир.

Президентимиз ташаббуси билан яратилган "Мард ўғлонлар номи барҳаёт" китоби халқимизнинг ботир, жасур ва фидойи фарзандлари хотирасига ҳурмат ва эҳтиром намунасидир.

Тақдимотда Ватан олдидаги бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган мард ўғлонлар жасорати ва фидокорона хизматлари хотирланди, уларнинг оила аъзолари ташкилотчиларнинг совгалари тақдим этилди.

ПЕХР-ОҚИСАТ САЙРАПИ

Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими, Ногиронлар жаҳияти Гулистон шаҳар бўлими, "Маҳалла" жамоат фонди ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида меҳр-этиборга эҳтиёждан инсонлар учун байрам тадбирлари ташкил этилди. Гулистон шаҳридаги "Аҳиллик" маҳалласида истиқомат қилаётган ногиронлар, боқувчисини йўқотган кексалар ҳамда маҳалла фахрийлари тақдиф этилган бу тадбирда ҳомий ташкилотларнинг совгалари ўз эгаларига топширилди. Тадбирда иштирок эта олмаганларнинг уйларига бориб уларнинг ҳолидан хабар олинди.

«МУСТАҚИЛЛИК ПЕЧНИНГ ТАҚДИРИ»

Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилоят бўлими ва Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган «Мустақиллик менинг тақдиримда!» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Таниқли шоир ва адиблар, адабиётшунос олимлар ҳамда ёш ижодкорлар, шунингдек, маҳаллалар маслаҳатчилари иштирок этган ушбу тадбирда озод ва обод юртимиз мадҳ этилган шеърлар куй-қўшиқларга уланди.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳа.и.қ.лар.и.ш.з:

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинган.

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилмиш: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Электрон манзилмиш: uzas.gzt@mail.ru

Тақдид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40

Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Ўқтам МИРЗАЁР

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ

Навбатчи муҳаррир — Азизнон ИМОМОВ

Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 02.25

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 5894. Бюрогма Г — 982. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАЛРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВАДА НАРХИ ЭРКИК.

ISSN 2181-614X

9 772181 614000